

## АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА МЕЪРОЖ МАВЗУСИНИНГ ЖАНРИЙ-БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Қобилов Усмон Уралович**

*Самарақанд давлат университети доценти, филология фанлари доктори*

### ARTICLE INFO.

**Калит сўзлар:** Шарқ адабиёти, Алишер Навоий ижоди, меърожнома, адабий жанрлар, анъаналар, мумтоз мавзулар, воқелик ва бадий талқин.

### Аннотация

Ушбу мақола Алишер Навоий ижодида меърож мавзуси талқини масаласи тадқиқига бағишланади. Унда Шарқ адабиётида оламшумул ходиса сифатида тавсиф этиладиган меърож воқеасининг Алишер Навоий ижодида бевосита талқин этилиши ва мавзу ифода этган илохий ишқ, қалб бедорлиги масалаларига эътибор қаратилади. Шунингдек, шоир ижодида меърож ифодаси бўлган адабий жанрлар ҳақида ҳам айрим фикрлар илгари сурилади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Шарқ, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётида меърож талқини алоҳида мавзу ҳисобланади. Ўзбек адабиётшунослигида масала тадқиқига дастлаб эътибор қаратган олим ҳам профессор Иброҳим Ҳаққулов саналади. Гап шундаки, мавзу бадий адабиётда фақатгина нубувват мотиви ифодаси билан боғланмайди, балки умуман мумтоз адабиёт поэтикаси учун меърож талқини муҳимдир. Унда пайғамбар алайҳиссалом билан боғлиқ тун кечасида амалга оширилган саёҳат тасвир этилади. Меърож кечаси ҳақида Қуръони Каримда нозил этилган оятлар мавзунинг илк манбаси саналади. Бу ходиса кейинчалик кенг шарҳланади (тафсир) ва талқин (таъвил) этилади. Тафсирда меърож воқеаси чуқур баён этилган бўлса, таъвил туфайли у ирфоний талқин ифодасига айланганлиги кўринади. Шунинг айтиш керакки, айрим қарашларда меърож мўъжиза сифатида қайд этилса, баъзилар мўъжиза эмас, балки талаб деб баҳо берадилар. Агар Қуръонда пайғамбарлик мўъжизалари эътирофи асносида Муҳаммад алайҳиссалом билан боғлиқ мўъжизалар қайд этилмаганлиги ҳисобга олинса, мўъжиза тушунчасини ҳам кенгроқ маъноларда англаш лозим бўлади. У ғайринсоний, ақл бовар қилмас ходиса бўлиш билан бирга Ҳаққа яқинлик мақомини ҳам билдиради. Шарқ адабиёти сингари туркий тасаввуф ва ўзбек мумтоз адабиётида ҳам меърож тасвири ҳамда талқини турли жанрий шаклларда ўз ифодасини топган. Мумтоз адабиётда мавжуд хилма-хил мавзу ва йўналишлардаги (шоҳномалар, ишқномалар, пандномалар, кушномалар...) “номачилик” анъаналари сингари меърож мавзуси ҳам ўзига хос “нома” даражасига кўтарилган. Жумладан, ўзбек адабиётида Хожа Ахмад Яссавий “Ҳикояти меърож” асари тўртлик шаклида бўлиб, 24 банддан иборат, Носируддин Бурхонуддин Рабғузий “Ан-набий саллаллоху алайҳи ва салламнинг меърожи” эпик қисса жанрида яратилган. Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонининг бешинчи наътида 53 байтлик 106 мисрадан иборат “Меърож кечаси таърифи...”, “Фарҳод ва Ширин” достонида “Ул шоҳсувор васфи...” деб бошанадиган 69 байт, 138 мисрадан иборат меърож тасвири, “Лайли ва Мажнун” достонида 92 байт, 184 мисралик “Ул мусофири баводипаймо, балки ул рокиби самовотпаймо меърожи кечасининг таърифи”, “Саббаи сайёр” достонида меърож тасвири 43 байт, “Садди Искандарий”

достонида “Ул ҳумойи баландпарвоз тайронининг суръати таърифидаким, меърож шабистони...” номли 121 байт, 242 мисрадан иборат, “Лисон ут-тайр” достонида “Ул рисолат Қофи Анқосининг баландпарвозлиғи ва маҳбуоби ҳақиқий васлиға етиб...” деб бошланадиган меърожномаларни айтиш мумкин. Бундан ташқари бутун мумтоз шеъриятда ҳам бу ҳодиса ифодасига ишора этиш, меърож мотиви орқали жозибали бадиий-эстетик манзаралар яратиш анъанаси мавзунинг ниҳоят кенг қамровли эканлигидан далолат беради. Мавзу эпик тасвири, хусусан, “Қисас ул-анбиё” типига асарларда ифодаланиши кўпроқ тафсир анъаналарига асослангандек фикр уйғотади. Шунинг учун Рабғузий тасвирида пайғамбар меърожи худди тафсирларда бўлгани сингари бутун тафсилоти билан акс эттирилади. Унда Расулulloҳнинг тунда Маккадан Байт ул-Муқаддасга олиб борилиши, кўксини ёриб юрагини иймон ва ҳикмат билан тўлдирилиши, Буроқда Жаброил билан самога кўтарилиши, етти қават осмонга чиқарилиши, меърож ҳикмати, етти самода ўтмиш пайғамбарлари билан учрашиши, “мақоми маҳдум”га (мақталган мақом) эришиши, меърож сабабию мақсади, ҳол ва таърифлари, туннинг қадри ва қиммати, Муҳаммадга бу кеча етти қават осмон, етти қават ер, жаннат, дўззах, дунё, кавнайн олами кўрсатилганлиги батафсил дарж этилади. Асарда адабий жанрга оид бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилган. Бу эса тафсир ва тасвир ўзига хос эканлигини намоён этади. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш маъқул кўринди. Адабиётшунослик илмида Шарқ адабиётида шеърият етакчи соҳа сифатида баҳоланиши одат тусини олган эди. Аслида наср Шарқ адабиётида ўзининг юқори даражасига кўтарилиб, мумтоз шеърият учун маънавий-эстетик замин яратган эди. Бунинг ёрқин далили тафсир, таъвил, қасас кабилар ҳисобланади. Чунончи бу соҳалар ривожини туфайли меърож мавзуси ҳам ўзига хос адабий-фалсафий ҳодисага айланди. Бадиий ижод оламида лирик-эпик талқинлар учун илҳомбахш ва руҳбахш мавзу бўлиб қолди. Меърож мавзуси ифодасида тасаввуф адабиёти ва лирик талқинларда таъвил таъсири сезилади. Маълумки, таъвилда (арабча, “аввал”) Қуръон оятлари ботиний талқин этилади. Унга кўра, оятлар ички маъноси бирламчи деб қаралади. Ўз вақтида расмий ислом қарашлари ҳам унга монелик қилмаган. Натижада тасаввуфнинг кўплаб жиҳатлари учун нубувват халқаси тарихи, таърифи ва улар билан боғлиқ мотивлар мажоз, тамсил бўлиб хизмат қилган. Хусусан, унда меърож ҳодисаси ҳам мажозий талқин этилган. Унга биноан пайғамбар алайҳиссаломнинг Ҳақ борлиғига эришуви ошиқнинг маъшуқа васлини қозониши деб талқин этилади. Шоир уни “қойим мақом” деб таърифлайди. “Саббаи сайёр” достони меърож талқинида “ошиқ маъшуқ билан висол топгани, орада фақат Холиқ қолиб, махлуқ йўқолганлигини, ёр мавжуду ағёр йўқлигини, ёрдан бошқаси қолмаганлигини” қайд этади.

*Топтилар васл ошиқу маъшуқ,*

*Борча Холиқ, арода йўқ махлуқ.*

*Ёр мавжуду анда йўқ ағёр,*

*Ёрдин ўзга, балки йўқ дайёр.*

Шарқ ва ўзбек мумтоз адабиётида ишқ мавзуси талқинларида ошиқ ва маъшуқликни ифода этувчи мажозий тимсоллар гуруҳи мавжуд. Уларнинг лирик ифодаларини “гул ва булбул”, “шам ва парвона”, “темир бўлағи ва олов”, “хум ва денгиз” сингари тимсоллар ифодаласа, эпик талқинларини “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Вомиқ ва Узро”, “Юсуф ва Зулайҳо” кабилар ташкил қилади. Бу лирик-эпик сюжетларда мажозий маънода маҳбуба дардида ўртаниш, тобланиш, интилиш, айрилиқ каби мотивлар юксак руҳда тасвирланади. Улар висол йўлидаги турли ифодалар саналади. Тасаввуф ва мумтоз адабиёт бадиий оламида васл ифодасини меърож талқини сингари англатадиган бошқа тамсил ҳам кузатилмайди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий “Меърожнома”ларида “ошиқ талаби висол” эканлиги, “дўст васлини қозғониш”, “ўзликдан ўзни чиқариш” масалаларига эътибор қаратилади.

Атоқли олим Иброҳим Ҳаққулов тадқиқотларида мумтоз адабиёт маънавий бедорлик, руҳоний уйғоқлик ифодаси сифатида талқин этилади. Бу ҳолат ҳам назаримизда нубувват мотиви, меърож ва Муҳаммад алайҳиссалом тимсоли талқинлари билан боғлиқлиги кўзга ташланади. Адабиётшунос фикрича, “тасаввуф, маълум бир маънода, нубувват таълимоти ва маърифатига содиқлик” ҳисобланади. Кези келганда бир фикрни қайд этиб ўтиш лозим. Мумтоз ёки тасаввуф адабиётида нубувват мотиви ифодалари ҳақида гап кетганда “нубувват таълимоти ва маърифатини” яхлит бир олам сифатида англаш талаб этилади. Шунинг учун ҳам нубувват силсила, халқа, доира, гулшан, бўстон, хайл, сипеҳр, баҳр тарзида тавсифланади. Иброҳим Ҳаққулов таъкидлаганидек, мумтоз адабиётнинг бедор туйғулар ифодаси эканлиги, биринчидан, Муҳаммад пайғамбарнинг маърифат ва орифлик тимсоли бўлиб келиши, иккинчидан, меърож талқинларидаги бедорлик ифодаларида яққол намоён бўлади. Нубувват тарихидан маълумки, пайғамбарлик даврларида оммавий офатлар (тўфон, шамол, қурғоқчилик ва б.) содир бўлиши ва сабаблари қайд этилади. Бу тарих ҳам маълум бир пайғамбар ҳаётини акс эттиради. Манбаларга кўра, осмоний китоблар индирилгач, бу оммавий офатлар тўхтатилади. Бироқ башарий офат сифатида жаҳолат давом этади. Муҳаммад пайғамбар сиймоси эса мана шу жоҳиллик акси ўлароқ маърифат тимсоли сифатида талқин этилади. Жаҳолатдан халос бўлиш учун эса диний, башарий-дунёвий жамоатнинг фарқи бўлмайди. Шу боис ҳам Иброҳим Ҳаққул айтганидек, Муҳаммад алайҳиссалом диний ва дунёвий амаллар камоли деб қаралади. Бу инсонга дунё ҳаётида доимо бедор кўнгил бўлишни талаб этади. У тасаввуф адабиётида басират деб юритилади. Айни мавзу талқини Алишер Навоий “Меърожнома”ларида маҳорат билан тасвир этилади. Мутафаккир “Лайли ва Мажнун” достонида пайғамбар басирий сифатлари ҳақида шундай мисралар битадик, у инсонни руҳоний уйғоқликка ундайди.

*Даҳр шўру шарридин осуда,*

*Кўнгли уйғогу кўзи уйқуда.*

Мумтоз адабиётда “уйғоқ кўнгил” мотиви талқини барча тур асарларда келтирилади. Бироқ меърож айни мавзуга хосланганлиги билан ажралиб туради. Алишер Навоий “Меърожнома”ларида сайёралар (Қамар, Уторуд, Зухро (Нохид), Қуёш (олам маркази), Баҳром, Муштарий, Зухал (Кайвон)), буржлар (Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Ақраб, Қавс, Жадй, Далв, Ҳут), Фалакул сабот (Арш, Курси, Лаҳв, Қалам), Фалак ул сайёр тасвир этилганда ҳам басират ва маърифат ифодаланади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. O‘n jildlik. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012 yil
2. Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур: Эсселар ва адабий-танқидий мақолалар. – Т.: “Шарк”, 2007. – 336 б.
3. Меърожнома (Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳ муаллифи И. Ҳаққул., С. Раъфиддин). – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – 96 бет
4. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: БухДУ нашриёти, 2000. – 143 б.
5. Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 184 б.